O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 17 IYUL ◆ SESHANBA ◆ № 82 (26.784)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2001 йил 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган жами 27 нафар номзодни бўшаб қолган 14 та сайлов округидан рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарор матни ва рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилиши белгиланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

■ (ЎзА)

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«Навоийсавдо»га қарашли «Олтинтери» жун заводининг ишга тушганига кўп бўлгани йўқ. Германиянинг «Флайснер» фирмаси технологияси ўрнатилган завод маҳаллий хомашё асосида катта унум билан ишламоқда. Завод тўла қувват билан ишга тушганда 170 навоийлик ёшлар иш билан таъминланади. Корхона маҳсулотлари Россия ва бошқа МДҲ давлатларига, шунингдек, Хива гилам ишлаб чиқариш корхонасига юборилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа хисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	199,65
1 Австрия шиллинги	24,37
1 Англия фунт стерлинги	549,76
10 Бельгия франки	83,13
1 Голландия гульдени	152,18
10 Греция драхмаси	9,85
1 Дания кронаси	45,08
1 БАА дирхами	106,81
1 АҚШ доллари	392,32
1 Миср фунти	99,61
10 Испания песети	20,16
100 Италия лираси	17,32
1 Канада доллари	255,17
1 Хитой юани	47,40
10 Люксембург франки	83,13
1 Малайзия рингити	103,26
1 Германия маркаси	171,46
1 Польша злотийси	92,35
1 СДР	489,85
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	56,40
1 Франция франки	51,12
1 Швейцария франки	221,84
1 ЕВРО	335,36
10 Жанубий Корея вони	3,00
10 Япония иенаси	31,41
1 Россия рубли	13,44
1 Украина гривнаси	73,03

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МОЗИЙДАН САДО

Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрамигача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи Давлат музейини қайта таъмирлаш ишлари интиҳосига етиши кўзда тутилган. Таъмирлаш шарқона усулда олиб борилмоқда. Шу мақсадда смета ҳужжатларига асосан 1 миллиард 400 миллион сўмлик иш бажарилиши керак бўлгани ҳолда бугунги кунгача 1 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажариб бўлинди.

Музей 1876 йилда ташкил этилган, мустақиллик шарофати ила 1999 йил февраль ойидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бу ерда мустақил Ўзбекистон экспозициясини яратиш кўзда тутилган эди. Шунга кўра, музей залларидан жой олувчи экспонатлар тош асри, бронза асри, антик даврдан бошлаб бугунги кунгача халқимиз, Ватанимиз ўтмишида ҳунармандчилик, адабиёт, санъат, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги босиб ўтилган йўл, Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихи, юртимиз салоҳияти, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар тўғрисида маълумот бериб, ёш авлодни ватанпарварлик ғояларига ҳамоҳанг руҳда тарбиялашга хизмат қилади.

Халқимизнинг бой мероси андозаларини топиб музейга тақдим этишда, экспонатлар тайёрлашда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, «Ўзнефтгаз», «Ўзқишлоқмаш» холдинг компаниялари, «Совпластитал», «СамКочАвто» қўшма корхоналари жамоалари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, яратилажак бу мажмуа халқимиз учун мозийдан садо берувчи ноёб ёдгорликка айланади.

■ Сулаймон ҲАЙДАР

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

МҲСК каратэ ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари соврини учун Истиқлол тенгдошлари — 1991 йилда туғилган болалар ўртасида каратэ бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент ва вилоятлардан жами 100 дан зиёд қатнашчи иштирок этишди. Баҳслар якка ва жуфтлик тартибида бўлиб, даъвогарлар ўз вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар. «Каратэ», «Азамат—Карим», «Камолот» клуби аъзолари ўзларининг ҳар томонлама чиниққанлигини намойиш этишди.

Мусобақалар каратэнинг ката ва кумитэ услубларида ўтказилиб, қатнашчилар орасидан ғолибликка номзодлар саралаб олинди. Ката баҳсларида ўғил болалар жамоасидан «Каратэ-2» клуби биринчи, Тошкент каратэ федерацияси иккинчи, «Каратэ-1» клуби учинчи ўринни қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида биргина «Мустақиллик» жамоаси ғолибликка номзод деб топилди.

Муросасиз курашларга бой бўлган қизлар ўртасидаги ката мусобақаларида Ширин Абдуҳакимова тенгдошлари орасидан биринчиликка муносиб кўрилди. Ўғил болалар ўртасида эса Суннат Абдувоҳидовга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, Ш.Мирсоатова ва Г. Ҳамидовалар 2 ва 3-ўринларни қўлга киритди. А. Ҳусанхонов ҳамда Н.Аҳмедовлар ҳам худди шундай натижаларга эришишди.

— Ташкилотчилардан миннатдорман, — дейди Ўзбекистон чемпиони Хўжамқул Хўжақулов. — Бундай мусобақалар нафақат ёш спортчиларга маҳорат мактаби бўлади, шунингдек, таниқли вакилларимизни ҳам руҳлантиради.

Танаффусдан кейин бошланган кумитэ баҳсларида Ш. Абдуҳакимова, Д. Одилова ҳамда С. Ниёзовалар яхши натижа кўрсатишиб 1, 2 ва 3-ўринларни қўлга киритишди.

Ўғил болалардан 30 кг.гача бўлган вазнда энг яхши натижаларга эришган С. Абдувоҳидов ва Ли Вячеславлар ғолиб деб топилди. 30 кг. вазн тоифасидаги баҳслар ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Тенгдошлари орасидан охирги ўринларда саралаб олинган А. Ҳусанхонов, С. Шеринбоев ҳамда Қ. Маликовларга тенг келадиган топилмади. Тааъсуротларга бой бўлган мусобақа сўнггида барча ғолибларга соврин ва қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: *мусобақадан лавҳалар.*

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Россия Президенти Владимир Путин ҳамда ХХР давлат раҳбари Цзян Цземин икки давлат ўртасида дўстлик алоқалари тўғрисидаги шартномани имзолади.

Ушбу кунни 1950 йиллардан буён икки давлат алоқаларининг тарих саҳифаларидаги энг юксак нуқтага кўтарилган вақт дея баҳоланмоқда.

Путиннинг таъкидлашича, ушбу ташриф давлатлар алоқаларида туб бурилиш ясайди. Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳамкорлик доирасида ядро энергетикаси, электроэнергетика, телекоммуникация, информатика, авиасаноат, кемасозлик ҳамда «Космик фазони ўрганиш» бўйича икки томонлама шартномалар имзолашди.

Учрашув сўнггида томонлар бундан кейин савдо алоқаларининг ҳам кенгайишига умид қилиб қолишди. Россия ва Хитой ўртасидаги савдо айланмаси 2000 йилда 8 млрд. долларни ташкил этган. Бу 1999 йилга нисбатан 40 фоиз ошган бўлса, жорий йилда эса 43 фоиз ошиши кутилаяпти.

САММИТ ОЛДИДАН ПОРТЛАШ

Душанба эрталаб соат 9 атрофида Генуя полиция маҳкамаси ёнида портлаш рўй берди. Портлаш ушбу воқеанинг якка курбони бўлган полициячининг конвертга солинган бомбани очиб кўриши натижасида содир бўлган.

Аммо, ушбу воқеа жаҳон ҳамжамиятини турли тахминлар билан ўзига тортди. Сабаби, бу ерда шу ҳафта охирида «катта саккизлик» давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади.

Шу куннинг ўзида Генуяга 18 мингдан ортиқ ҳарбийлар киритилиб, шаҳарда ҳарбий соат жорий этилди. Италия агентлиги, портлаш сабабларини сиёсий кучларнинг ҳаракатларидан ахтариш кераклигини таъкидламоқда.

Генуя саммити 20-22 июль кунлари бўлиб ўтади. Унда Жорж Буш, Владимир Путин ва бошқа ривожланган мамлакатлар давлат раҳбарлари қатнашиши кутилмоқда.

«КУРСК»ДА ИШ БОШЛАНДИ

Нихоят душанба куни Баренц денгизида «Курск» атом сувости кемасини чикариб олиш операциясининг биринчи этапи бошланди.



Норвегиянинг Мауо илмий-текшириш кемаси ҳалокат рўй берган жойда текширишлар олиб бормоқда. Айни пайтда кеманинг атом қисми махсус камералар орқали кузатиб борилмоқда. Аниқ ҳолатлар аниқлангандан сўнггина, тахминан 18-19 июль кунлари ғоввослар «Курск» ичига йўл олишади. Мауо бортида 25 нафар тажрибали ғоввослар бўлиб, уларнинг 8 нафари россиялик, бир америкалик ҳамда 16 британиялик. Ҳозир кемани хавфсизлантириш борасидаги энг асосий ишлардан бири амалга оширилмоқда, дейди Шимолий флот матбуот котиби ўринбосари Игорь Бабенко.

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Нукус шаҳрига кираверишда ўқув марказли автосервис мажмуи барпо этилмоқда. У Буюк ипак йўли бўйлаб қатнаётган оғир юк ташувчи автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Қурилиш ишларини Қўнғирот шаҳридаги «Жанубгазқурилиш» трести очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1-қурилиш монтаж филиали бунёдкорлари бажаришмоқда.

Суратларда: 1. Пайвандчи Камол Матчонов.
2. Қурилишдан лавҳа.

■ Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар

МАШҚ МАЙДОНИ — КАТТА ЧИМЁН ЧЎҚҚИСИ

Газетанинг шу йил 23 июнь сонида «Синдбод сафарга отланмоқда» сарлавҳали суҳбат босилганидан кейин Синдбод билан алоқа узилгандек эди. Куни кеча яна унинг ўзи таҳририятимизга кириб келди.

— Аввало, мендек ёшларнинг қалбидаги мақсад, орзу-истак ва ниятларини тўғри тушуниб, суҳбат-мақола эълон қилганларингиз учун раҳмат. Ҳозир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаев ва бошқалар ҳам каминанинг ташаббусига қизиқиб, бўлажак сафарнинг ташкилий ишларига ёрдам бериш ниятидалар.

Вақт — ғанимат. Мен ёзги имтиҳон ва амалиётни топшириб, таътилга чиққан куниёқ машқ қилиш учун Чимён тоғ тизмалари қўйнига кетдим. Тошкентдан унча узоқ бўлмаган Катта Чимён чўққисининг баландлиги 3309 метр. Бу тахминан Японияда ги машҳур Фудзияма тоғининг бўйи билан баробар. Эшитишимча, японлар ўз тоғларини муқаддас ҳисоблашишади ва умрларида камида бир марта унинг чўққисига чиқиб, зиёрат қилишади. Мен ҳам ҳар бир ўзбек йигити умрида бир марта бўлса-да, ўз юрти тоғ чўққисига чиқиб, йигитлик кучини синаб кўриши керак, деб ҳисоблайман.

— Хўш, бундан нима фойда, деб сўрасаларчи?

— Бу саволни кўп беришган. Тоққа чиқмаган одамга буни тушунтириш қийин. Худди асал емаган кишига асал таъмини таърифлаб бериб бўлмаганидек. «Тоғлардан гўзал фақат тоғ бўлиши мумкин» дейишади руслар. «Аллоҳнинг қудратини кўрмоқчи бўлсанг, тоғларга чиқ» деган гап ҳам бор. Шахсан мен тоғларга чиқиб, ўзимни жисмонан ва руҳан юксалгандек бахтиёр сезаман.

— Тоғларга чиқиш тавакқалчилик ва хавф-хатар билан боғлиқ. Ота-онангиз бунга қандай қарайди?

— Отамнинг ўттиз йилдан зиёд умри тоғлар билан боғлиқ бўлган. Аллоҳ асраса товонингизга тикан ҳам кирмайди. Албатта, ҳар ким ўзини ўзи асраши лозим. Аллоҳ бизга ақл-фаросат бериб қўйибди. Менимча, уйда ёнбошлаб, телевизорда берилаётган саёз олди-қочди фильмларни кўриш ёки умрини қаҳвахоналарда, дискотекаларда беҳуда ўтказаётган ёшлар ҳаётида хавф-хатар тузоғига илиниш эҳтимоли кўпроқ бўлса керак.

— Барибир, оналар юраги сизнинг бу юришингизга қандай дош беришини тушуниш қийин. Боланинг кўнгли далада, онанинг кўнгли болада, дейишади.

— Отам талабалик йиллари ёзги таътилда Геология вазирлигига қарашли геохимия тадқиқотчилари гуруҳида отбоқар бўлиб ишлаган. Улар Тянь-Шан тоғларининг одам қадами етмаган сўлим гўшаларида, қорли чўққиларда тадқиқот ишларини олиб бораётган кунларнинг бирида уларнинг чодири ёнидан баланд чўққидан тушиб келаётган ота-болани кўриб қолибдилар ва «Мен ҳам ўғлим билан тоғларни кезаман» деб ният қилган эканлар. Онам баъзида эътироз билдирсалар, отам «Агар Христофор Колумбнинг отаси хотинининг гапига кириб, қўй болам, уйда тинчгина ўтир, денгизда пўртана туриб кеманг ағдарилмасин» деб унга йўл бермаганида биз ҳозиргача картошка билан помидорнинг мазасини татиб кўрмаган бўлармидик», — дейдилар.

— Сизнингча, альпинист қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Ўтган йили отам билан Сирдарё тўқайзорларида тунаб қолиб, роса пашшаларга ем бўлгандик. Таърифлаб бўлмайдиган нохуш азобдан зорланганимда, отам «Альпинист, умуман, сайёҳ Шварцнеггер сингари баҳайбат ва бақувват бўлиши шарт эмас. Аммо у иссиққа, совуққа, очликка, сувсизликка, оғриққа, қўрқув ва хавф-хатарга чидамли, сабр-қаноатли бўлиши лозим. Сенда ва умуман, ҳозирги ёшларнинг кўпчилигида бундай хислатлар етишмайди», дегандилар. Машқлар билан ёшликдан мунтазам шуғулланиш орқали чидамли бўлиш мумкин. Германиялик таниқли зоолог олим ва сайёҳ Бернгард Гремежек ўз фарзандини мард, довюрак ва топқир бўлсин, деб атайлаб Африка чангалзорларига адаштириб келганини ўқиган отам мени ва укам Муҳаммад Дўстни Нурота тоғларига ташлаб, ўзи панада кузатиб, синаганлари эсимда.

— Ўзбекистоннинг энг баланд чўққисига чиқишга шериклар топилдими?

— Афсуски, ҳанузгача маслакдош ҳамроҳлар тополганим йўқ. Санъат музейи биқинидаги боғда ҳар чоршанба кунлари тошкентлик ҳаваскор сайёҳларнинг йиғинига қатнашиб турардим. Ўшалардан тўрт нафари Чимёнга кетаётган эканлар. Биргалашиб чўққига кўтарилдик.

— Чўққида туриб нималарни кўрдингиз? Нималарни ўйладингиз?

— Бундан ўттиз уч йил илгари отам менинг ёшимда бўлган. У бўлажак Синдбод исмли ўғлига хат ёзган ва «XXI асрда олиб ўқилсин» деб тоғнинг чўққисига кўмган. Қўлимдаги сурат ва шартли белгиларга қараб, оғзи мум билан сургичланган шиша идишни топдим, ичидаги хатни ўқидим. Хатда ҳаёт бўсағасида турган отамнинг бир олам орзу-ниятлари битилган эди.

— Чўққига чиққанингизни нима билан исботлайсиз?

— Забт этилган чўққиларда кўпинча бирор белги, учбурчак тур ўрнатилади. Биздан олдин чиққан альпинистларнинг шу турлардан мактубларини олиб, ўрнига ўзимиз ҳақимизда: қачон, неча киши, қаердан, об-ҳаво қандайлиги тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирилади. Атроф суратга олинади. Асосий мақсад мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига атаб Ўзбекистоннинг энг баланд чўққисига Ватанимиз байроғини ўрнатиш. Янги ҳамроҳларим билан эртага машқларни давом эттириш учун яна Чимёнга кетяпман.

— Сафарингиз бехатар бўлсин. Илоҳим, Ўзбекистоннинг энг баланд чўққисини забт этиш насиб этсин.

■ «Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОН суҳбатлашди.

✧✧✧

Суратда: *ёш альпинист Синдбод Мирёқуб ўғли (чапда) Катта Чимён чўққисида ҳамроҳлари билан.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

УСМОНОВ ҚАҲРАМОНЖОН

Усмонов Қаҳрамонжон 1949 йилда Қўрғонтепа шаҳрида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Ихтисоси – муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Қўрғонтепа туманидаги 36-автобазада ҳайдовчиликдан бошлаган. Сўнг, туманлараро савдо базасида, кейинчалик «Хонобод» давлат хўжалигида хизмат қилди. 1979-1992 йилларда тумандаги қишлоқ хўжалиги бошқармаси машина-мелиоратив гуруҳида, жамоа хўжалигида ҳамда туман деҳқончиликсаноат уюшмасида бош муҳандис лавозимларида ишлаган. У Қўрғонтепа дон қабул қилиш пункти, дон маҳсулоти комбинати директори, машина-трактор парки акциядорлик жамияти бошқарувчиси, «Маъмуробод» ҳамда «Қўрғонтепа« жамоа хўжаликларининг раиси лавозимларида ишлади. 1999-2000 йилларда Андижон вилоят «Агромашсервис» акциядорлик жамиятлар бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари, сўнгра, ушбу бирлашманинг раиси бўлиб ишлаган. 2000 йилдан буён вилоят машина-тракторлар парки ҳудудий бирлашмаси раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Қаҳрамонжон Усмонов ташаббускор, маънавий етук, одамларга ғамхўр ва меҳрибон. У ўзига топширилган ишга юксак масъулият билан ёндашиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган инсон.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Қаҳрамонжон Усмонов 31-Балиқчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ИБРОҲИМОВ РАСУЛЖОН ХОРИНБОЕВИЧ

Иброҳимов Расулжон Хоринбоевич 1950 йилда Асака тумани «Илғор» қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Андижон давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси – математика ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Асака туманидаги 8-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнг, директор ўринбосари вазифасида ишлаган. 1981-1986 йилларда Андижон аэропортида фаолият кўрсатган. 1986-1990 йилларда ўқитувчиликни давом эттирган. 1990-1997 йилларда Асака туман шахсий хўжалик эгалари иттифоқига раислик қилган. 1997 йилдан буён Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Андижон вилоят вакиллиги директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Расулжон Иброҳимов қишлоқда мулкдорлар қатламини шакллантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда, ўзининг ташкилотчилиги билан вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиб, уларнинг фаолиятини яхшилашга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Вилоятда фермерларга техника сервис хизмати кўрсатувчи ширкатлар тизими ташкил қилинди. Барча туман вакилликларида фермерлар учун ўқув марказлари ташкил этилди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Расулжон Хоринбоевич Иброҳимов 46-Пойтуғ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ҲАЙДАРОВ ЁВҚОЧТИ

Ҳайдаров Ёвқочти 1945 йилда Фориш тумани «Осмонсой» қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган. Ихтисоси – муҳандис-механик. Педагогика фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Фориш туман «Қишлоқ хўжалиги техникаси» корхонаси муҳандислигидан бошлаган. Сўнг, Фориш туман матлубот жамиятида таъминотчи бўлиб ишлади. 1969-1975 йилларда Янгиер гидромелиорация техникумида ўқитувчи, муҳандис, директор ўринбосари лавозимларида ишлагач, Оқолтин гидромелиорация техникуми директори ўринбосари этиб тайинланди. 1980 йилдан буён ушбу, кейинчалик Иқтисодиёт ва бизнес коллежига айлантирилган ўқув даргоҳида директор лавозимида ишламоқда.

1999 йилда халқ депутатлари Сирдарё вилоят ва Оқолтин туман Кенгашлари депутати этиб сайланган.

Ёвқочти Ҳайдаровнинг бевосита раҳбарлигида коллежнинг моддий-техника базаси мунтазам равишда бойитиб борилмоқда, талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш учун ўқув хўжалиги ташкил этилди. У коллеж жамоаси ва талабаларнинг келажаги, обрў-эътибори учун қайғуради ва уларга етарлича шарт-шароит яратишга интилади.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

Ёвқочти Ҳайдаров 133-Сардоба сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ПРОХОРЕНКО ГЕННАДИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ

Прохоренко Геннадий Алексеевич 1949 йилда Донецк вилояти Енакиево шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисоси – муҳандис-электрик. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Навоий тоғ-металлургия комбинатининг марказий кон бошқармасида бошлаган. 1987 йилгача ушбу бошқармада электромонтёр, цех устаси, участка бошлиғи, цех бошлиғи муовини, цех бошлиғи, бош электрик ва бош муҳандис лавозимларида ишлаган. 1987-1994 йилларда комбинатнинг марказий кон бошқармаси директори бўлиб ишлади. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган. 2001 йилнинг март ойидан буён «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бош директори лавозимида ишлаб келмоқда.

1999 йилда халқ депутатлари Навоий вилоят ва Зарафшон шаҳар Кенгашларига сайланган.

Геннадий Прохоренко ўзини ташкилотчи ва талабчан раҳбар сифатида кўрсатмоқда. У тоғ маъданларини қайта ишлаш технологияси бўйича 60 дан зиёд илмий ишлар ва кашфиётлар муаллифидир.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

Геннадий Алексеевич Прохоренко 152-Олмалиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

АНВАРОВА МАЪРИФАТХОН

Анварова Маърифатхон 1951 йилда Ўзбекистон тумани «Элаш» қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси – химия-биология ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Ўзбекистон туманидаги 29-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнг, мактаб директорининг ўринбосари бўлган. 1986 йили тумандаги 45-ўрта мактабга директор этиб тайинланган. Айни дамларда Ўзбекистон туманидаги 29-ўрта мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Маърифатхон Анварова ўз билими, ташаббускорлиги ва изланувчилиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозониб келмоқда. Унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан 1997 йилда 424-ўринли янги мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. У ўқувчиларга билим беришда техник воситалардан, янги педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланишга алоҳида эътибор беради. М. Анварова раҳбарлик қилаётган мактаб кейинги йилларда туманда фан олимпиадалари, кўргазмали қуроллар, «Йил мактаби» кўрик-танловлари ғолиби бўлган. У меҳрибон устоз, ташаббускор, янгиликка интилувчан раҳбар, камтарин инсон сифатида катта обрў-эътиборга эга.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Маърифатхон Анварова 177-Қайнар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ҚАТТАЕВА РОБИЯ ҒАНИЕВНА

Каттаева Робия Ғаниевна 1961 йилда Термиз шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Термиз давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси – физика ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Термиз шаҳридаги 8-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнг, шаҳардаги 14-ўрта мактаб илмий бўлим мудири лавозимида ишлаган. 1997 йилдан буён Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Робия Каттаева малакали мутахассис ва ташаббускор раҳбар сифатида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини изчил амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим ва тарбия бериш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, шунингдек, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. У раҳбарлик қилаётган мактаб жамоаси кейинги йилларда талай ютуқларни қўлга киритди.

Робия Каттаева маънавий етук, ўз ҳамкасблари ва ёшларга доимо ғамхўр, меҳрибон. Ўзига топширилган ишга юксак масъулият билан ёндашмоқда.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Робия Ғаниевна Каттаева 139-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

НОДИРОВ ЭРКИН

Нодиров Эркин 1940 йилда Косон туманидаги Узун қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Самарқанд давлат медицина институтини тамомлаган. Ихтисоси – врач-инфекционист.

Меҳнат фаолиятини 1958 йилда Косон тумани Улуғбек жамоа хўжалиги фельдшер-акушерлик пунктида ишлашдан бошлаган. Сўнг, Қарши туманидаги Чандир ва Ширкент фельдшер-акушерлик пункти мудири, Самарқанд давлат медицина институти клиник шифохонасида ўрта тиббиёт ходими, Қамаши туманидаги Тўқбой қишлоқ участка шифохонасида фельдшер лавозимларида ишлаган.

Самарқанд давлат медицина институтини тамомлагач, 1969 йилдан Қамаши туманидаги Оққишлоқ шифохонасида бош врач, туман марказий шифохонасида врач-инфекционист, Қашқадарё вилоят юқумли касалликлар шифохонасида врач-инфекционист, вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансерида бош врач, вилоят юқумли касалликлар шифохонасида бош врач лавозимларида ишлаган.

Эркин Нодиров малакали шифокор ва тажрибали раҳбар сифатида одамлар саломатлигини сақлаш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсиши йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Эркин Нодиров 1996 йилдан буён Қашқадарё вилоят Оналар ва болалар шифохонаси бош врачи лавозимида ишлаб келмоқда.

Эркин Нодиров халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати.

Оилали. Етти нафар фарзанди бор.

Эркин Нодиров 217-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

МУРОДОВ ОЛИМ ЭРГАШЕВИЧ



Муродов Олим Эргашевич 1962 йилда Ғузор туманидаги «Шерали» қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Партиясиз. Олий маълумотли. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисоси – тоғ-геология муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда «Дружба» давлат хўжалигида бошлаган.

Олий ўқув юртини тамомлагач, 1986-1991 йилларда, Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедициясида геолог бўлиб ишлаган. 1991-1992 йилларда Косон нефть ва газ қидирув экспедициясида геология бўлимини бошқарди. 1998 йилгача «Ўзбекнефтгазгеология» ишлаб чиқариш бошқармасида геология бўлими ҳамда экспедиция бошлиғи, акциядорлик жамияти раиси вазифаларида ишлаган.

У 1998 йилдан буён «Шўртаннефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У корхоналарнинг иқтисодий юксалишига талабчанлик билан ёндашади. Сўнгги пайтларда бошқармадаги цех ва қурилмаларнинг ривожланишини йўлга қўйиб, жамоа ўртасида ҳурмат қозонмоқда.

Олим Муродов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Олим Эргашевич Муродов 219-Ғузор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ҒАФУРОВ АБДИРАСУЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

Ғафуров Абдирасул Абдужалилович 1949 йилда Қамаши тумани Кўкбулоқ қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Самарқанд давлат медицина институтини тамомлаган. Ихтисоси – врач-педиатр.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Қарши шаҳридаги 1-вилоят шифохонасида врач-педиатрликдан бошлаган. Сўнг, Қамаши туман Лангар қишлоқ участка шифохонасида фаолият кўрсатган. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ихтисослиги бўйича клиник ординатурани ўтагач, Қашқадарё вилоят болалар шифохонасида бўлим мудири, бош врач муовини бўлиб ишлаган. 1997 йилдан буён Қамаши тумани марказий шифохонаси бош врачи лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдирасул Ғафуров ташкилотчи, талабчан ва малакали раҳбар сифатида шифохонанинг моддий базасини мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Унда кундузги даволаш имкониятлари кўпайтирилди, шошилинч тиббий ёрдам бўлими ташкил этилди. Хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, беморларни соғломлаштириш ишлари яхшиланиб бормоқда.

Оилали. 6 нафар фарзанди бор.

Абдирасул Абдужалилович Ғафуров 221-Қамаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ЖУМАНАЗАРОВ АБДУЛЛА ОЧИЛОВИЧ

Жуманазаров Абдулла Очилович 1958 йилда Яккабоғ тумани Совуқбулоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси – француз тили ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Яккабоғ туманидаги 9-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1986-1991 йилларда Яккабоғ туман халқ таълими бўлими услубчиси бўлиб ишлади. Сўнг, туман халқ таълими бўлимида услубият кабинети мудири ўринбосари бўлган. 1992 йилдан буён Яккабоғ туманидаги 61-ўрта мактаб директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдулла Жуманазаров одамларга меҳрибон, ишга талабчан. «Таълими тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабларини мактабда жорий қилишга муносиб улуш қўшиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган мактаб ўқувчилари туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилган олимпиадалар ва кўрик-танловларда юқори баҳоларга сазовор бўлган. Туманда биринчи бўлиб ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда ўқувчилар билимини рейтинг тизими асосида баҳолашни амалиётга киритди.

Оилали. Етти нафар фарзанди бор.

Абдулла Очилович Жуманазаров 236-Яккабоғ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ХДП ҲАЁТИДАН

МУЛККА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

Қарши туманидаги Чўли ота жамоа-ширкат хўжалиги миришкор-деҳқонлари бир неча йилдирки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик ютуқлар омили ҳисобланмоқда.

– Мулкка муносабат ўзгарди, хусусан, хўжалик аъзоларида ерга нисбатан эгалик ҳисси пайдо бўлди, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Истам Адиев. – Мазкур муносабатларни юзага чиқаришда ХДП фаолларининг жонбозлиги бор. Аниқроғи, тарғибот ва ташвиқот ишлари бу борада қўл келаяпти.

Дарвоқе, куни кеча мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети ва Иқтисодиёт университетининг бир гуруҳ ўқитувчи ва профессорлари дала меҳнаткашлари билан суҳбат ўтказишди.

– Бу сингари учрашувлар бизда мунтазам уюштирилиб турилади, – дейди хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Мавлуда Раҳматова. – Бизда 170 нафар ХДП аъзоси бор. Барча ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкилотчилари шулар. Уларнинг кўмагида хўжаликда катта режа ва мақсадларни амалга ошираяпмиз.

■ Илҳом КАРОМОВ

«МАШҲУРА» КЎРГАЗМАСИ

Истиқлолга эришганимиздан сўнг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий фирма ва корхоналар фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

1994 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Машҳура» фирмасида дастлаб бичиш-тикиш курсларида иш бошланган бўлса, эндиликда бадиий каштачилик, костюм-пальто тикиш, парда дизайни, қандолатчилик, миллий та-

омлар пишириш ҳамда сунъий гул ясаш бўйича ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўтган вақт мобайнида 50 мингдан зиёд ёшларни турли касб-ҳунарга йўналтирган мазкур даргоҳ Наманган ва Ғиждувонда филиалларини очди. Энди Андижонда ҳам филиал очиш мўлжалланмоқда.

Яқинда бу ерда мустақиллигимизнинг 10 йил-

лиги ҳамда фирма ташкил топганига 7 йил тўлиши муносабати билан тайёр буюмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг қўли билан тикилган чиройли либослар, кашталар, зардўзлик буюмлари ҳамда хилма-хил қандолат маҳсулотлари намойиш қилинди. Бундай кўргазмаларнинг ўтказилиши фойдали бўлиб, кўплаб ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишини орттиради.

■ Нозима РАСУЛОВА

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

БЎҲТОН ОРТИДАГИ ҚОТИЛЛИК

ШЎРО ДАВРИНИНГ ЎЛИМ МЕХАНИЗМИ ШУ ТАРИҚА ИШЛАРДИ

Шаҳримиздаги баобрў, халқ хизматида танилган, 80 ёшни қоралаган Абдувоҳид ҳожи ака ишхонамизга кириб келди. Саломаликдан сўнг меҳмон қўлидаги газетани кўрсатиб: «Мана, куни кеча Президентимиз Ислом Каримов «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Фармон чиқарибди. Фармон сатрларини аҳли аёлимиз, бола-чақаларимиз билан бирга қайта-қайта ўқиб чиқдик. Шикастланган, хўрланган кўнглимиз беҳад кўтарилди. Чунки бизнинг оиламиз ҳам ўша мустабид тузум қатағони домига тортилганди, — дея қўлимга битта ноёб сурат ва Андижон вилоят судининг 1960 йил 3 сентябрида берган маълумотномасини тутди. — Сурат 1923 йил Андижонда олинган. Унда 24 навқирон йигитлар. Биринчи қаторда ўтирганлардан чапдан иккинчиси Қурбонов Исмоилжон, тўртинчи қаторда тик турганларнинг тўртинчиси Қурбонов Қаюмжон. Шу Қаюмжон менинг дадам, Исмоилжон эса амаким бўлади. Амаким 1929 йили Қашқарга ўтиб кетган, ундан сўнг Саудия Арабистонида яшаган, ҳозирда марҳум, фарзандлари бор, Андижонга келиб кетишди, мен ҳам бориб келдим. Дадам Қаюмжонни 1937 йил 6 ноябрда ҳибсга олишган. Бизда бундан бошқа ҳеч қандай ҳужжат ҳам, маълумот ҳам йўқ. Шу Фармонда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилиши ҳам кўрсатилибди. Бу расм ўша бўлажак музейга қўйилса яхши бўларди. Тегишли ҳужжатгоҳлардан дадамизга нима айб қўйилгани, тақдири қандай кечганини билиб берасиз, деган умид илинжида ҳузурингизга келдим».

Шу заҳоти Тошкентга — архивга телефон қилдик. Ҳар галгидай ўз хизматининг фидойиси Анваржон илтимосимизни қабул қилди.

Тошкент. 2001 йил 11 июнь. Ниҳоят, қўлимга ЎзССР Жиноят кодексининг 62-моддаси, 1-қисми, 66-моддаси, 1-банди билан айбланган Қурбонов Қаюмжоннинг иши тутқазилди.

Қаюмжон Қурбоновни ҳибсга олиш учун прокурор 1937 йил 4 ноябрда ордерга имзо чеккан. Прокурорга тақдим этилган айблов қароридан қуйидагилар маълум бўлди. ЎзССР НКВДси Андижон сектори бўлими бошлиғи Берг ва катта лейтенант имзолаган ҳужжатда фуқаро Қурбонов Қаюмжон, 1898 йили Андижонда туғилгани, ўзбек, саводли, партиясиз, СССР фуқароси, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан — йирик пойабзал сотувчисининг ўғли, унинг ўзи ҳам 1935 йилга қадар пойабзал сотиш билан машғул бўлгани айтилган. 1930 йил у ва унинг отаси сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Унинг отаси қатағон бўлишидан қўрқиб, ўғиллари Абдуллажон ва Исмоилжонлар билан бирга яширин тарзда муҳожир бўлиб Қашқарга ўтиб кетгани ва у жойда яшаётгани, Қаюмжон эса 1936 йили Ленин тумани Қайирма қишлоғидаги Сталин колхозига кириб олиб, тайёрлов иши билан шуғулланаётгани, Андижон шаҳрида яшаётгани қайд этилган.



Қурбонов Қаюмжон аксилинқилобий кайфиятдаги унсур сифатида Қашқарга қочиб ўтаётганлар орқали у ерда яшаётган қариндошлари билан боғланиб, хориждаги ҳаётни мақтаб, аҳоли ўртасида чет элга, муҳожир бўлиб чиқиб кетишликка қаратилган тарғибот олиб бораётгани, партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши иғвогарона гаплар, уруш ва унда Совет Иттифоқининг енгилиши ҳақида миш-мишлар тарқатаётгани айтилиб, бу ишлар жиноят кодексининг 66-моддаси, 1-банди билан жиноят ҳисобланиши, тергов ва суддан бўйин товламаслиги учун уни қамоққа олиш зарурлиги кўрсатилган.

Ордерга кўра у қамоққа олиниб, уйи холислар иштирокида тинтув қилинади, Қурбонов номига ёзилган 42 та ҳар хил маълумотномалар олиб чиқиб кетилади.

Маҳалла қўмитаси томонидан берилган маълумотномада Қурбонов Қаюмжоннинг отаси 1930 йили қулоқ қилингани, 1931 йили яширин йўл билан ўғиллари Абдуллажон, Исмоилжонлар билан Қашқарга қочиб кетганлиги қайд этилибди.

Терговчи маҳбус Қ. Қурбоновни сўроқ қилади:

Савол: Сизнинг отангиз савдо билан шуғулланганми?

Жавоб: Шуғулланган эмас.

Савол: Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганми?

Жавоб: Отам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмаган.

Савол: Отангиз ҳозир қаерда?

Жавоб: Отам 1934 йили акам Абдуллажон билан бирга Қашқарга кетган, у жойда яшашмоқда, укам Исмоилжон 1931 йили Қашқарга ўтиб кетгани, унинг рухсат билан ёки яширин тарзда ўтиб кетгани ҳақида маълумотга эга эмасман. Нима сабабдан отам ва ака-укаларим Қашқарга ўтиб кетганликларини ҳам билмайман. Улар Қашқарда нима билан машғул эканликларини ҳам билмайман.

Савол: *Отангиз, акангиз Абдуллажон, укангиз Исмоилжон билан алоқаларингиз ҳақида кўрсатма беринг.*

Жавоб: *Отам ва ака-укаларим — Абдуллажон ва Исмоилжонлар билан доимий равишда хат орқали алоқам бор, хусусан, 1936 йили июль ойида мен улардан хат олдим ва 1936 йил октябрида жавоб мактуби йўлладим. 1937 йил апрелида улардан иккинчи марта хат олдим ва унга ўша ойдаёқ жавоб йўлладим.*

Савол: *Ким орқали сиз хатларни юбориб тургансиз?*

Жавоб: *Хат юборишим почта орқали юз берган.*

Савол: *Сиз ёлғон гапираяпсиз. Терговга маълумки, сиз яширин йўл билан совет чегарасини бузиб ўтганлар ва товарлар жўнатаётган туякашлар орқали хат олиб, хат юбориб тургансиз, тўғри кўрсатма беринг.*

Жавоб: *Такрор айтаман, Қашқардан хат олишим ва хат юборишим почта орқалигина бўлган.*

Савол: *Қайси мазмунда хат олиб, хат жўнатиб тургансиз?*

Жавоб: *Мен олган ва юборган хатлар мазмуни қариндошчилик муносабатларигагина даҳлдор бўлган, сиёсий масалалар бу ёзишмаларда мутлақо бўлмаган.*

Савол: *Тонмоқдасиз. Сиз Совет ҳокимиятига қарши бўҳтону туҳматлар қилгансиз, Совет Иттифоқида халқ азобланаяпти, очлик ҳукм сурмоқда, очарчиликдан одамлар ўлаяпти, деб ёзганлигингиз терговга маълум, тўғри кўрсатма беришингиз талаб қилинади.*

Жавоб: *Бу ёлғон, бу бўҳтон. Маҳбус Қ. Қурбонов 1938 йил 17 январда қўшимча сўроқ қилинади.*

Савол: *Сизнинг укангиз Исмоилжон Қашқарда яшаб туриб, нима билан машғул эканлиги ҳақида кўрсатма беринг.*

Жавоб: *Мен олган хатлардан шу нарса маълумки, укам Исмоилжон «Бирлик» артелида ишламоқда.*

Савол: *Сиз 1936 йил октябрида Оренбургга борган эдингизми?*

Жавоб: *Ҳа, борган эдим. Мен бир ўзим борганман ва бирор кимсани кузатиб борган эмасман.*

Савол: *Тонмоқдасиз. Сиз Андижонда оқсоқол Тўхтаохунбойни учратгансиз, у эса сизга икки миссионерни Оренбурггача кузатиб боришингизни топширган. Тергов сиздан бу миссионерларга Совет Иттифоқи тўғрисида қандай маълумотлар берганингизни айтиб беришни талаб қилади.*

Жавоб: *Бу ёлғон. Мен миссионерларни кузатиб борган эмасман ва ҳеч қандай бўҳтон маълумотларни уларга берганим ҳам йўқ.*

Савол: *Тонаяпсиз. Сиз миссионерларни қабул қилиб, уларни Оренбурггача кузатиб боргансиз ва уларга Совет Иттифоқида ёмон қонунлар бор, совет ҳукумати собиқ бойлар, савдогарларни, руҳонийларни йўқотмоқда, ерни халқдан тортиб олмоқда, халққа ниҳоятда оғир, тўлаш имкони бўлмаган солиқ соляпти, солиқ тўлай олмаганлар қамоққа олинмоқда, одамлар очликдан ўлиб, кўчаларда ташландиқ бўлиб ётибди, деб айтгансиз. Сиз бу ҳақда Андижонга қайтиб келганингизда 1936 йили ноябрь ойида Исоқжон Тошматов дўконида ва аттор Турғунбой Ҳусановга айтгансиз. (Бу икки шахс 1937 йили сентябрдаги терговда Қаюмжон Қурбоновни ҳар жиҳатдан айблашга уринган эдилар. — Р. Ш).*

Жавоб: *Буларнинг ҳаммаси ёлғон, бўҳтон.*

Ниҳоят, айблов хулосаси ҳам тайёрланди.

Совет ҳукумати 1938 йил 13 февралда Қаюмжон Қурбоновни отувга ҳукм қилди. Ҳукм 1938 йил 10 март куни ижро этилди.

Андижонлик бир косиб, этикдўз Қаюмжон Қурбоновнинг тақдири шундай якун топди. Орадан 22 йил ўтиб, 1960 йил 27 августда Андижон вилояти суди прокурор тақдимига кўра Қаюмжон Қурбоновни реаблитация қилди.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ўнлаб ва юзлаб Абдуваҳоб ҳожи сингари ватандошларимиз ўз жигарбандларини излаб хатлар ёза бошладилар. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Президентимиз томонидан ташкил этилгач, бу борадаги ишлар янада авж олди ва «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Фармон ҳам чиқди. Ҳозирда ҳар куни камида бир-икки фуқаро келиб, 5-10 кўнгироқ бўлиб турибди. Барчанинг гапи битта: аввало миннатдорчилик, сўнг эса йўқолган, бедарак кетган отаси ёки акаси ҳақида маълумот олиш.

Ўттиз-қирқ йилдан бери ўзи учун энг азиз бўлган отаси ёки бобосининг суратини қурилажак музей учун топшираётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Улар топшираётган тарихий ҳужжат ва ашёлар «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида узоқ йиллар давомида тарихимизнинг мусибатли даврлари ҳақида ҳикоя қилиб, ёшларимизнинг ота-боболарининг васиятларига содиқ, Ватанга садоқатли кишилар бўлиб тарбияланишига хизмат қилади.

Ўйлаймизки, Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида қад кўтаражак «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида Қаюмжон Қурбонов каби юзлаб ватандошларимизнинг порлоқ хотираси ўз аксини топади.

■ **Рустам ШАМСУТДИНОВ, профессор, Адҳамжон АРЗИМАТОВ, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари**

XORIJDA

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҚЎМИТАСИНИНГ 8-ПРЕЗИДЕНТИ

Халқаро Олимпия қўмитасининг 16 июлда бўлиб ўтган сессиясида бельгиялик Жак Рогг қўмитанинг 8-президенти деб эълон қилинди.

44 ёшли хирург Роггнинг ушбу вазифага келиши осон кечмади. Қўмита президентлигига номзодлар орасида канадалик ҳуқуқшунос Ричард Паунд, жанубий кореялик сиёсатчи ва дипломат Юн Йонг Ким каби таниқли кишилар бор эди.

МАЪНАВИЙ ЗАРАР ҚОПЛАНДИ

14 июль куни темир йўл изидан чиқиб кетиши оқибатида фалокатга учраган «Москва-Одесса» поездининг йўловчилари маънавий ҳамда руҳий зарар учун 1000 гривен (180 АҚШ доллари) миқдорида ҳимоя пули олишди.

Одесса темир йўл раҳбарияти шундай йўл тутишга мажбур бўлди. Ҳозирда суғурта пулларини тўлаш тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Эслатиб ўтамиз, фалокат туфайли 54 киши жароҳатланган, улардан 24 нафари касалхонага ётқизилган эди.

КАПИТОЛИЙДА ЯНА МУҲАББАТ МОЖАРОСИ

Америкада сиёсат ишқий можаролар билан қузатилиши урфга кираётганга ўхшайди. Моника ва Клинтон ҳақидаги шов-шувлар тугашига кўп ўтмай Капитолийда яна бир муҳаббат можароси юзага келди. Можаро сабабчиси 53 ёшли конгрессмен — демократ Гэри Кондит капитолийлик 24 ёшли Чандра Ливи билан ишқий муносабатда бўлганини ошкора тан олди. Можаронинг шов-шувга сабаб бўлиши шундаки, тўсатдан конгрессменнинг маъшуқаси Чандра Ливи йўқолиб қолди. 30 апрелдан ном-нишонсиз кетган соҳибжамол ҳақида ҳозиргача ҳеч қандай маълумот йўқ. Бироқ полиция Кондитнинг бу йўқолишга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблайди.

Ливи оиласининг адвокати Билли Мартиннинг сўзларига кўра, «агар Кондит Чандра билан апрелнинг бошларида учрашган бўлса, унинг кўрсатмаси қидирувда асқотиши муқаррар». Адвокат конгрессмендан учрашув қандай алфозда ўтгани ва улар нималар ҳақида суҳбатлашишганини батафсил билишни истайди.

Яқинда полиция конгрессмен уйида тинтув ўтказди. Гэри Кондит уйланган, икки нафар фарзанди бор.

Ҳар ҳолда бу можаро оқибати Моника ҳодисасидан кўра жиддийроқ тугаши мумкинга ўхшайди.

БИЛАСИЗМИ?

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ БИРЛАШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ?

XXI асрда тараққиёт шиддатли тус олаётган бир пайтда, бутун дунё халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик томон қадам ташлашлари айни муддаодир. Дунё кундалиги муттасил ўзгаришлар билан бойиётган ҳозирги кунда уларнинг стратегик йўналишидан огоҳ бўлиш ва имкони борича таҳлил қилиш инсоният учун долзарб масаладир. Бундан ташқари, илм-фанда қилинаётган кашфиётлар оммалашувга, айрим кўз юмиб кетилаётган муаммолар ижтимоийлик мақомини олишга эҳтиёж сезмоқда. Бу каби масалаларни юзага чиқариш мақсадида Халқаро телекоммуникация бирлашмаси дадил қадамлар ташламоқда. Бу бирлашма асосан Интернет тармоғи орқали фаолият юритиб, жаҳон миқёсида катта ишларни амалга ошираётир. Бирлашмага хусусий секторлар, компаниялар, ҳукуматлар ва ОАВ тизимидаги барча муассасалар аъзо бўлиб кириши мумкин. Уюшма мақсади дунё информация бозорини шакллантиришга қаратилган. Бу бозорга ҳар қандай давлат, хусусан, Ўзбекистон ҳам ўз маҳсулотини киритиши ёки харидор бўлиши мумкин. Бунда имконият ва шароит бир-бирини тўлдиради.

Бу бирлашма 1971 йил Швейцарияда ташкил қилинган бўлса-да, 90-йилларга келиб оммалашди. Африка, Америка, Осиё ва Европа қитъаларидаги агентликлар, телекоммуникация бирлашмалари бу ташкилотнинг жойлардаги бўлимига айланишди. Ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида бу уюшма юзлаб компанияларга дунёнинг турли нуқталаридан ҳамкорлар топиб берди. Кўпгина халқаро ташкилотлар билан биргаликда қисқа ва узоқ муддатли лойиҳалар ишлаб чиқиб, кенг кўламда татбиқ қилиш билан шуғулланмоқда. Шу ўринда яна бир маълумот: ҳозирда уюшма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда 2003 йил Швейцарияда жаҳон миқёсида халқаро саммит ўтказишни мўлжалламоқда. Бунда ахборот олиш технологияларини такомиллаштириш, тараққиёт йўналишларини белгилаб олиш ва кўпгина ижтимоий масалалар кўриб чиқилади.

Бирлашманинг ҳозирда Интернетда 15 та сайти мавжуд ва бунда йиғилган ахборотлар соҳаларига қараб тартиб билан жойлаштириб борилади. Бундан ташқари, бу сайтларда халқаро конференциялар ўтказиб турилади. Биргина 2000 йил Интернет орқали ўтказилган халқаро конференциялар 150 миллион мил масофанинг қисқаришига, транспортлардан 1 миллион тоннага яқин ифлос газлар атмосферага чиқишининг олди олинишига олиб келди. Бундан ташқари, расмий таклифнома ва конвертларга кетадиган 73 миллион дона қоғоз тежалган. Бу фактлардан кўриниб турибдики, Халқаро телекоммуникация бирлашмаси янги асрда янгича тараққиёт йўналишини кашф қилди ва мақсадга етишнинг энг осон йўлини топди.

Ўзбекистон учун ҳам бундай дунё информация бозорида ўз имкониятларини кенг тарғиб қилиш барча соҳаларда катта ўзгариш ясашига шубҳа йўқ.

■ **Моҳира МАМАЖОНОВА тайёрлади**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 161-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Журба Алексей Михайлович номига берилган UZK 014193 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ҳикоят — Шаҳодат» кичик корхонаси 2001 йил 1 августдан бошлаб ўз фаолиятини

ТЎХТАТАДИ

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган

«Омад» пул-ютуқли омонати бўйича

2001 йил 13 июль куни Тошкент шаҳар Яккасарой туманида ўтказилган 10-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т.Р.	Омонат қолдиғи бўйича ҳисобланган йиллик фоиз даромади қуйидаги миқдорда кўпайди	Жамғарма ҳисоб рақами
1	3 баробар	ОД-019
2	3 баробар	ОД-039
3	3 баробар	ОД-048
4	5 баробар	ОД-052
5	3 баробар	ОД-127
6	3 баробар	ОД-168
7	10 баробар	ОД-179
8	3 баробар	ОД-201
9	3 баробар	ОД-242
10	3 баробар	ОД-352
11	3 баробар	ОД-389
12	3 баробар	ОД-452
13	3 баробар	ОД-521
14	3 баробар	ОД-532
15	3 баробар	ОД-547
16	3 баробар	ОД-596
17	20 баробар	ОД-601
18	5 баробар	ОД-674
19	3 баробар	ОД-686
20	3 баробар	ОД-731
21	3 баробар	ОД-802
22	3 баробар	ОД-813
23	3 баробар	ОД-829
24	3 баробар	ОД-966
25	10 баробар	ОД-972

Изоҳ: 1000 дан зиёд ҳисоб варақалари очилган ҳар бир Халқ банки бўлимида ҳам ҳар 1000 та ҳисоб варақасига худди шу тартибда ютуқлар чиқди.

Масалан: ОД-601, ОД-1601, ОД-2601, ОД-3601 ва ҳоказо.

Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари в.б. — ютуқлар тиражи комиссияси раиси Х.М. РАҲИМЖОНОВ

Тираж комиссияси масъул котиби — Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви етакчи мутахассиси Ҳ.Д. МАТҚУРБОНОВ

ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЙЎЛ

Бугун — жаҳон футбол чемпионати финалига Осиёдан чиқишга даъвогар жамоаларнинг ҳал қилувчи босқич ўйинлари бошланишига бир ой қолди

Устоз шогирдидан: «кўзларимда нимани кўряпсан?» деб сўраганида: «ўзимни», деган экан. Бу мураббий ва шогирдлар ўзлиги. Ўзбегим мухлисларининг эса ўзига хос ўзлиги бор. Улар бундай ифтихорни туну кун самога қадалган улкан очиқ кўз — марказий ўйингоҳда ҳайрат ила ҳис этадилар. Зеро, ўхшаши йўқ бундай синоат бу йилгидек жумбушга келмаган. Боиси, футболимиз жаҳоний катта карвонга эш бўлиши учун қулай муҳит юзага келган.

Владимир Сальков, мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийси: — Сўзсиз имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Имкониятлар эса етарли. Ёшлар терма жамоасининг Болгария сафаридан зафар билан қайтиши ўринбосарлар камол топаётганидан нишонадир. Ўзимизга келсак, икки босқич ўртасида Малайзияга сафар қилиб, «Мустақиллик кубоги»ни қўлга киритиб, мухлисларни мамнун этдик ва футболчиларимиз руҳини кўтардик деган фикрдаман. Зеро, ҳал қилувчи босқич иштирокчиларига беписанд қараб бўлмайди. Демак, хотиржамликка ўрин йўқ. Шунинг учун ҳам аввало ички имкониятлардан фойдаланишга, қолаверса, легионерларни йиғишга эътиборни қаратамиз. Албатта, биз учун Хитой терма жамоаси асосий рақиб бўлиб қолса, БАА футболчилари ҳам анойи эмаслигини унутмаслик лозим.

Миржалол Қосимов:

—Ҳаммаси ўзимизга, майдонда ўзимизни бошқаришимизга боғлиқ.

Жаъфар Ирисметов: — Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ютуқлар гарови деб ўйлайман.

Николай Ширшов: — Бундай имкониятдан фойдаланиш керак.

Максим Шацких: — Ҳамма нарса жамоадаги муҳитнинг соғломлигида.



Ҳа, Россия футбол майдонларида ўнлаб футболчиларимиз маҳорат оширмоқдалар. Мухлислар Сергей Лушан, Николай Ширшов, Андрей Акопянц, Улуғбек Бақоев, Владимир Маминов, Андрей Фёдоров, Павел Бугало сингари йигитларга умид боғлашган. Сирасини айтганда, ҳал қилувчи босқичда футболчиларимизга Хитой терма жамоаси асосий рақиб бўлиши ҳақида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Бунинг албатта сабаблари бор. Аввало, Хитой йигитларига бошчилик қилиб турган югославиялик Бора Милутинович иккинчи босқич бўйича ташланган қуръа натижаларидан кейиноқ «катта кетворди». У очиқдан-очиқ Хитой терма жамоаси финалда деяверинг, дейишдан тортиниб ўтирмади. Унинг бу гапи ҳам ҳолва экан. Кўп ўтмай Хитой футболчилари жаҳон чемпионатига бора олмаса, мен ўзимни Хитой деворидан ташлайман, дея жар солибди. Бу ҳаммаси бошқалар имконияти билан ҳисоблашмаслик, қолаверса, жўжани кузда санайдилар, деган иборани унутишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр Раҳимов таъбири билан айтганда, футболчиларимиз ҳар жиҳатдан масъул учрашувларга шайланмоқдалар. Галаба қозонишимизга шубҳа йўқ. Ишбилармон, куюнчак, тадбиркор бу йигит федерацияга бош котиб этиб тайинланганидан бери ўтган қисқа даврда катта ўзгаришлар қилинди. Аввало миллий чемпионатимиз мавқеини ошириш, савиясини яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш ҳамда маҳоратли футболчилар тарбиялаш борасида тинмай изланишлар олиб борилмоқда. Муҳими, бош терма жамоа устозининг ҳақиқий инсон, меҳрибон мураббий эканини яхши билади.

Бир замонлар терма жамоага бир-икки йигитимиз олинса, мухлислар қувончдан дўппиларини осмонга отардилар. Мана энди мустақил юрт бош жамоаси ўғлонлари жаҳон айвонини кўзламоқдалар. Шунинг ўзи ўзлигимизнинг намойиши эмасми?! Ҳозир барча ҳаракатлар кучли терма жамоани таркиб топтириш, футболчиларда руҳий ва жисмоний уйғунликни юзага келтириш, тез ва ҳужумкор ўйин кўрсатиш ва ниҳоят йигитларнинг ҳар жиҳатдан кўнгиллари тўқ бўлишига эътиборни қаратишдан иборат бўлиб турибди.



Абдулғани ЖУМА олган суратлар

Шундай қилиб яна бир ойдан кейин футболчиларимиз ҳал қилувчи босқичнинг дастлабки учрашувини сафарда БАА жамоасига қарши ўтказадилар. 25 августда эса БАА футболчилари хитойликлар меҳмони бўлишади. Эртасига мухлислар футболчиларимизнинг Катар жамоаси билан учрашувининг гувоҳи бўладилар. Ўйлаймизки, йигитларимиз юзимизни ёруғ қилиш учун астойдил интиладилар. 20 октябрда Тошкентда Хитой жамоаси билан бўладиган учрашувда ғалаба қозониб, финалга йўлланма олиш завқидан баҳраманд бўлсак ажаб эмас.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

ОМАД ТИЛАБ

Ўзбекистон футбол терма жамоаси масъулиятли синов арафасида. Барча футбол ишқибозлари ҳаяжон ва хавотир билан бўлажак мусобақаларни кутмоқда. Табиийки, ҳаммамиз терма жамоамизга омад тилаймиз. Бироқ терма жамоалар шакллантирилаётганида дунё миқёсида қўлланиладиган анъана, одат бор. Сўров ўтказиш йўли билан мутахассисларнинг, мураббийларнинг, журналистларнинг фикри йиғилади ва ўрганилади. Демак ўз мулоҳазаларимизни айтайлик, зора нафи тегиб қолса.

Мен терма жамоамиз таркибида қуйидаги ўйинчиларни кўришни истардим:

Ярим ҳимоячи — Шерзод Шарипов, ҳужумчилар — Анвар Бердиев, Шуҳрат Мирхолдиршоев, Рўзиқул Бердиев, Зафар Холмуродов, Зайниддин Тожиевлар. Дарвозада «Кимёгар»нинг дарвозабони Маъмур Икромовни синаб кўриш мумкин. Булар 90 минут давомида юқори тезликда ҳаракат қила оладиган, жисмонан бақувват, руҳан тобланган, жон-жаҳди билан ўйнайдиган футболчилар.

Ўзимизнинг йигитларда миллий ғурур бор — дўпписини осмонга отади, ютқазса майдондан йиғлаб чиқиб кетади, шунинг учун сўнгги кучи қолгунча олишади.

Бизнинг йигитлар ҳеч кимдан қолишмайди. Биз таркибида ўз миллий вакиллари тўп сурадиган терма жамоаларни кўрдик ва кўнглимизда қачон бизда ҳам шундай бўларкин, деган армон ва ҳавас туғилди.

Ўзбекистон футболи мутасаддиларига, ниятлари пок акахонларимизга айтадиган гапимиз бор: «Ҳой яхшилар, сохта ва ўткинчи шуҳрат кетидан қувмайлик, фақат бугунни эмас, футболимизнинг эртасини ўйлайлик. Улар чиниқсин, тоблансин, малака ва маҳорат оширсин. Легионерларга ҳам эшик очиқ, лекин терма жамоа фақат ўшалардан иборат бўлиб қолмасин. Ўзбекистонимиз шарафини йигитларимиз оқлаши кўпроқ хуш ёқади.

■ **Фарҳод МУСАЖОН**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Farg'onada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ИНТЕР-СПОРТ

«АНДЕРЛЕХТ» ХОҲЛАМАЯПТИ

«Эвертон» клуби «Андерлехт» футбол жамоаси ҳужумчиси Томас Радзинскийни 4,5 миллион долларга ҳамда «Рома» клуби сардори Даниэл Проданни 2,5 миллион долларга сотиб олишини маълум қилди. Радзинский Европа чемпионлар лигасида «Манчестер Юнайтед» дарвозасига иккита тўп киритиб, «Андерлехт»га муваффақият келтирганди. Шу боис, ҳозирча клуб раҳбарияти бу ўйинчини четга сотишни хоҳламаяпти, аммо Канада ҳукумати уни 4 йиллик шартнома асосида «Эвертон»да ўйнашига розилик берган.

Даниэл Проданга келсак, ҳозирча у бир қарорга кела олгани йўқ.

«LOCK LOMAND» ТУРНИРИ

Шотландияда голф бўйича «Lock Lomand» турнирининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли қитъаларидан келган 156 спортчи қатнашди. Бу турнир ҳар тўрт йилда ўтказилиб, халқаро тоифадаги голф усталари ўз кучларини синаб кўрадилар. Биринчи бўлиб Жанубий африкалик Ратиеф Гузен янги зеландиялик Эллиот Боултга қарши майдонга тушди. Икки раундан сўнг Гузен уч очко ҳисобида ғолибликни ўз қўлида сақлаб турибди.

ШУМАХЕРНИ ЮТАДИГАН БОРМИ?



Англияда ўтган сешанбадан буён «Grant Prix» автопойга чемпионати бўлиб ўтмоқда. Бунда ДавидУлтсард Майкл Шумахер билан биргаликда чемпионликка асосий даъвогарлик қилмоқда. Аммо ўтган галги 4-жаҳон автопойга чемпионатида Шумахер ўзининг ким эканлигини кўрсатиб қўйган эди. Бу афсонавий автопойгачи турли чемпионатларда 31 марта биринчиликни қўлга киритиб, катта қобилият ва тажриба соҳиби эканлиги исботланган. Мусобақа давом этмоқда.

ХИТОЙДА ОЛИМПИАДА БЎЛАДИ

Москва шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг навбатдаги — 112-сессияси бўлиб ўтди. Бунда 2008 йилга мўлжалланаётган Олимпия ўйинларини қайси шаҳарда ўтказиш яширин сайлов йўли билан белгилаб олинди. Олимпия ўйинлари ўтказишга асосан бешта: Пекин, Торонто, Истанбул, Осака ва Париж шаҳарлари даъвогарлик қилишди. Сайловда Пекин шаҳри кўп овоз олиб Олимпия ўйинларига мезбонликни қўлга киритди. Ўтган галги сайловда Сидней шаҳри Пекиндан бор-йўғи икки овоз кўп олиб, 2000 йилда ўтказилган халқаро Олимпия ўйинларининг мезбони бўлган эди.

Пекин шаҳри ҳокими Ванг Вей бу ўйинларни Хитойда ўтказилиши иқтисодий ўсишга олиб келиши ва хитойликлар ҳаётига катта ижобий таъсир этажагини айтди. Халқаро Олимпия қўмитаси 3000 йиллик тарихи ва 1 миллиард 300 миллион аҳолиси бўлган Хитойни расмий табриклаб, спорт орқали бутун дунё халқларининг тинчлик ва дўстликка қадам ташлашларига катта ҳисса қўшаётгани учун миннатдорчилик билдирди.

■ **Юнус БЎРОНОВ, Баротбек МАМАНАЗАРОВлар тайёрлашди**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Сиз азизларни 2001 йил 17 ва 24 август кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент вилоят ҳокимиятига тегишли «РАФ-2203-01» русумли, д-р 66-97 ТНП, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. Бошланғич нархи — 645 500 сўм.
2. Бўка тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Москвич-271501», д-р 35-50 ТШН, 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 133 000 сўм.
3. «Бурчмулло заргарлик заводи»га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:
— «УАЗ-37410», д-р 82-54 ТШР, 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 270000 сўм.
— «Зил-130 43412», д-р 90-05 ТШС, 1988 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 710 000 сўм.
— «М-21401», д-р 84-67 ТША, 1988 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 232 000 сўм.
— «ГАЗ-5201», д-р 85-37 ТШН, 1986 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 457 000 сўм.
— «УАЗ-31514», д-р 30-50 ТШБ, 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 458 000 сўм.
— «ГАЗ-5312», д-р 91-94 ТШС, 1990 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 571 000 сўм.
— «ЗИЛ-130», д-р 11 АВ 530, 1975 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 710 000 сўм.
— «ЗИЛ-130», д-р 11 АВ 531, 1974 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 710 000 сўм.
— «ГАЗ-6601», д-р 11-80 ТШН, 1985 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 457 000 сўм.
— «ЗИЛ-431470», д-р 83-25 ТШС, 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 888 000 сўм.
— «ГАЗ-5312», д-р 46-00 ТШР, 1988 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 457 000 сўм.
— «КамАЗ-5511», д-р 15-66 ТШЛ, 1981 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 113 000 сўм.
3. Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводига қарашли «Т28х4М» трактори, д-р 64-07 ЕР, 1992 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 600 000 сўм.
4. Бўка туманидаги «Бўка» ширкат хўжалигига қарашли «МТЗ-80» русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган 2 та трактор. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 290 000 сўм.

Шунингдек, аввалги савдоларга қўйилган ва сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар, автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БРОКЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Телефон: 133-77-18, факс: 133-49-31.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдолар 2001 йил 17, 22 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:

1. Наманган вилояти, Поп тумани, Халқобод шаҳарчасида жойлашган «Енгилсаноатинвест» акциядорлик компаниясига қарашли 1-нотўқима материаллар фабрикасининг (ФНМ-1) қурилиши тугалланмаган биноси. Умумий ер майдони 1,8 га. Бошланғич баҳоси — 56 561 675,4 сўм.

Мазкур кўчмас мулк объектига қизиқиши бор юридик ва жисмоний шахслар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Республика онкология илмий маркази

«ОНКОЛОГИЯ» ва «НУР ТЕРАПИЯСИ ВА ТАШҲИСИ» мутахассислиги бўйича ДОКТОРАНТУРА (1 та ўрин) ва кундузги аспирантура (2 та ўрин) бўлимига «БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ» мутахассислиги бўйича клиник ординатурага (2 та ўрин)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй.

АСПИРАНТУРА БЎЛИМИ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги жамоаси хўжалик бошқаруви раиси Зоиржон Ниёзовга қизи **Наргиза ТЎЛАГАНОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.